



PROFESSOR TUXTASIN SOLIYEVICH SOLIYEV  
TAVALLUDINING 90-YILLIGIGA BAG'ISHLANGAN  
«ZAMONAVIY REVMATOLOGIYADA FANLARARO  
MUAMMOLAR» MAVZUSIDAGI

Xalqaro ilmiy-amaliy konferentsiya  
materiallari to'plami

Сборник материалов международной научно-  
практической конференции

«МЕЖДИСЦИПЛИНАРНЫЕ ПРОБЛЕМЫ  
СОВРЕМЕННОЙ РЕВМАТОЛОГИИ» ПОСВЯЩЕННОЙ  
90-ЛЕТИЮ СО ДНЯ РОЖДЕНИЯ  
ПРОФЕССОРА ТУХТАСИН САЛИЕВИЧА САЛИЕВА

Toshkent 2024



# СБОРНИК МАТЕРИАЛОВ МЕЖДУНАРОДНОЙ НАУЧНО-ПРАКТИЧЕСКОЙ КОНФЕРЕНЦИИ

«МЕЖДИСЦИПЛИНАРНЫЕ ПРОБЛЕМЫ  
СОВРЕМЕННОЙ РЕВМАТОЛОГИИ»  
ПОСВЯЩЕННОЙ 90-ЛЕТИЮ СО ДНЯ РОЖДЕНИЯ  
**ПРОФЕССОРА ТУХТАСИН САЛИЕВИЧА САЛИЕВА**

***PROFESSOR TUXTASIN SOLIYEVICH SOLIYEV***  
TAVALLUDINING 90-YILLIGIGA BAG'ISHLANGAN  
«ZAMONAVIY REVMATOLOGIYADA FANLARARO MUAMMOLAR»  
MAVZUSIDAGI XALQARO ILMIY- AMALIY ANJUMAN

## ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ

- Азизова Ф.Л. – Тошкент тиббиёт академияси Илмий ишлар ва инновациялар бўйича проректор.
- Мирахмедова Х.Т. – 1-сон ички касалликлар пропедевтикаси кафедраси мудури.
- Набиева Д. А. – 1-сон факультет ва госпитал терапия, касб патологияси кафедраси мудури.
- Дадабаева Н.А. – 1-сон ички касалликлар пропедевтикаси кафедраси доценти, т.ф.н.
- Мирзалиева А.А. – 1-сон ички касалликлар пропедевтикаси кафедраси ассистенти.
- Бердиева Д. У. – 1-сон факультет ва госпитал терапия, касб патологияси кафедрас доценти.
- Абдуллаев У.С. – 1-сон ички касалликлар пропедевтикаси кафедраси ассистенти.

*Конференция материаллари ревматологиянинг долзарб муаммолари, ревматологик касалликларни замонавий ташхислаш усуллари, даволашда замонавий инновацион ёндашувлар, коморбидлик ва мультиморбидлик муаммолари, ревматологик касалликларнинг реабилитацияси ва профилактика масалаларига бағишланган.*

**Кенг учрайдиган ва асосий ревматологик касалликларда илмий тадқиқот ишлари натижалари илмий асослаб берилган.**

## ТИЗИМЛИ СКЛЕРОДЕРМИЯ БИЛАН КАСАЛЛАНГАН БЕМОРЛАРДА ЮРАК ЗАРАРЛАНИШИНИ ЭХОКАРДИОГРАФИЯ КЎРСАТКИЧЛАРИ БЎЙИЧА БАҲОЛАШ

ганиева Н.А., Джуроева Э.Р., Зияева Ф.К., Бердиева Д.У.

Тошкент тиббиёт академияси, Тошкент, Ўзбекистон

**Мақсад.** Тизимли склеродермия (ТСД) билан касалланган беморларда юрак қон – томир тизими зарарланишини ва миокард ремоделланишини эхокардиография кўрсаткичлари бўйича ўрганиш.

**Материал ва методлар.** Тадқиқотга 68 та ТСД билан касалланган Тошкент тиббиёт академиясининг қўп тармоқли клиникаси ревматология ва артрология, кардиоревматология ҳамда артрологик ихтисослаштирилган амбулатор даволаш курси бўлимларида даволаниб келаётган ўртача ёши  $34,7 \pm 3,8$  бўлган аёл жинсидаги беморлар киритилган. Барча беморларга юрак ультратовуш текшируви доплер билан биргаликда ўтказилган.

**Натижалар.** ТСД билан касалланган беморларнинг 91,4% да эхокардиография текширувида салбий ўзгаришлар аниқланган. Перикард ва юрак клапанларидаги ўзгаришлар 43% беморларда кузатилган. Ўпка гипертензияси, яъни ўпка артериясидаги ўртача босимни 30 мм сим. уст.дан юқори бўлиши 64,8% ҳолатда, 35 мм сим. уст.дан ортиши эса 33,6% беморларда кузатилди. Ўпка артериясидаги босимни ўртача қиймати  $34,09 \pm 0,82$  мм сим. уст. ташкил қилди. Ўнг қоринча гипертрофияси 37% беморларда кузатилиб, ўнг қоринча деворининг қалинлашиши соғлом шахслар билан солиштирилганда ишончли қийматларни кўрсатди ( $p < 0,01$ ). Ўнг қоринча дилатацияси 60,2% ҳолатда, ўнг қоринча диастолик дисфункцияси 37,7% беморларда аниқланди. Чап қоринча қон отиш фракциясини 45% дан камайиши 14,8% беморларда, диастолик дисфункцияси 50,4% ҳолатларда кузатилди. Чап қоринчанинг концентрик ремоделланиши 22,7% беморларда аниқланди. Ўпка артерияси гипертензияси билан касалликнинг давомийлиги, нафас қисилишининг оғирлиги, ўпканинг тириклик сиғими ва С реактив оқсил ўртасида мусбат боғланиш аниқланди. Шунингдек, ўнг қоринча деворининг қалинлиги ва касалликнинг давомийлиги, нафас қисилишининг оғирлиги ва ўпканинг тириклик сиғими ўртасида ҳам ўзаро боғлиқлик кузатилди.

**Хулоса.** Олинган натижалар шуни кўрсатадики, ТСД билан касалланган беморлар ўртасида юрак шикастланишининг юқори частотада учрашини, шунингдек, миокардни яққол ривожланган ремоделланишини касаллик давомийлиги билан боғлиқлигини кўрсатади.

## TGFβ1 ГЕН ПОЛИМОРФИЗМИНИНГ ЭРТА РИВОЖЛАНГАН ОСТЕОАРТРОЗ КАСАЛЛИГИДА АҲАМИЯТИ

Исламова К.А.

Самарқанд давлат тиббиёт университети, 1-сон ички касалликлар кафедраси, Самарқанд, Ўзбекистон

**Долзарблиги:** Остеоартроз (ОА)нинг патогенези чуқур ўрганилган бўлиб, хондроцитлар бўғим тоғайини гомеостазини таъминловчи хужайра эканлиги аниқланган. Бу хужайра фаолияти регуляциясининг бузилиши тоғай дегенерациясининг патологик жараёни билан бевосита боғлиқ.

**Ишнинг мақсади:** TGFβ1 гени полиморфизмининг ОА касаллигининг ривожланишида хондроцитларнинг етилиши ва гипертрофиясига аҳамиятини ўрганиш.

**Текширув материаллари ва усуллари:** Текширувлардан жами 140 нафар, улардан 100 нафари ОА билан оғриган беморлар (68 нафар аёл, 68,0%; 32 нафар эркак, 32,0%) ва 40 нафарини назорат гуруҳидаги шартли соғлом одамлар ўтказилди. Беморларнинг ёши 23 ёшдан 55 ёшгача бўлиб, ўртача  $40,2 \pm 5,3$  йилни ташкил этди. 1-гуруҳ гонартроз (ГО) билан 60 нафар бемор, 2-гуруҳ ГО ва остеохондроз (ОХ) билан 19 нафар бемор, 3-гуруҳ ГО ва коксартроз (КО) билан 21 нафар бемор, 4-гуруҳда назорат гуруҳида 40 нафар соғлом кишидан иборат бўлди. Наслий мойиллигини TGFβ1 ген полиморфизмининг кўрсаткичлари билан

## СОДЕРЖАНИЕ

## РЕВМАТОЛОГИЯ

Амриллаев У.Ш., Ахмедов И.А. РЕВМАТОИДАРТРИТ БИЛАН КАСАЛЛАНГАН БЕМОРЛАРДА ПЕРИФЕРИК ҚОНИДАГИ ЛИМФОЦИТЛАРНИНГ СУБПОПУЛЯЦИЯ ТАРКИБИНИНГ ХУСУСИЯТЛАРИ	4
Miraxmedova X.T., Sadikova N.G., Botirova N.A. 2 TIP QANDLI DIABET BILAN OG'RIGAN BEMORLARDA DIABETIK NEFROPATIYANING ERTA BOSQICHIDA KLOTNO OMILINING AHAMIYATI	4
Miraxmedova X.T., Sadikova N.G., Botirova N.A. QANDLI DIABETNING 2 TIPIDA RIVOJLANGAN SURUNKALI BUYRAK KASALLIGINI ERTA TASHXISLASHDA KLOTNO HAMDA SISTATIN C NI AHAMIYATI	5
Гадаев А.Г. Хужақулова Ф.И. СУРУНКАЛИ ЮРАК ЕТИШМОВЧИЛИГИ КАМҚОНЛИК БИЛАН КЕЧГАНДА КОЛЛАГЕН IV КЎРСАТКИЧЛАРИНИ ЎРГАНИШ	6
Ганиева Н.А., Джураева Э.Р., Зияева Ф.К., Бердиева Д.У. ТИЗИМЛИ СКЛЕРОДЕРМИЯ БИЛАН КАСАЛЛАНГАН БЕМОРЛАРДА ЮРАК ЗАРАРЛАНИШИНИ ЭХОКАРДИОГРАФИЯ КЎРСАТКИЧЛАРИ БЎЙИЧА БАҲОЛАШ	7
Исламова К.А. TGFB1 ГЕН ПОЛИМОРФИЗМИНИНГ ЭРТА РИВОЖЛАНГАН ОСТЕОАРТРОЗ КАСАЛЛИГИДА АҲАМИЯТИ	7
Qushaqov D.U., Nabieva.D.A., Matchanov S.Q., Folatova A.A. PODAGRA KASALLIGI BILAN DAVOLANUVCHI BEMORLARNI DINAMIKADA KUZATISH VA BAHOLASH	8
Miraxmedova X.T. Aybergenova X.Sh. TIZIMLI QIZIL BO'RICHADA KLINIK-LABORATOR VA IMMUNOLOGIK KO'RSATKICHLARNING BUYRAK JAROHATLANISHIDA DIAGNOSTIK VA PROGNOZIK AHAMIYATI	9
Mansurova N.N., Matchanov S.X., Sirliboyev I.A., Abdurazzakova D.S. REVMATOID ARTRITDA KOMBINIRLANGAN BAZIS TERAPIYANING HAYOT SIFATIGA TA'SIRINI BAHOLASH	10
Mansurova N.N.; Matchanov S.X.; Sirliboyev I.A.. REVMATOID ARTRITDA KOMBINIRLANGAN BAZIS TERAPIYANING HAYOT SIFATIGA TA'SIRINI BAHOLASH	10
Махамадходжаева Х.Б., Набиева Д.А. ИНТЕРЛЕЙКИН 23 НИНГ АНКИЛОЗЛОВЧИ СПОНДИЛОАРТРИТ ЭРТА ТАШХИСОТИДАГИ АҲАМИЯТИ	11
Muhammadiyeva S.M., Matchanov S.X., Kengesbaeva M.S., Shomuxitdinov Sh.Sh., Israilov A.A. AKSIAL SPONDILOARTRITDA QO'LLANILUVCHI O'NO-A INGIBITORINING KASALLIK KLINIK FAOLLIGI BILAN BOG'LIQLIGI BAHOLASH	12
Muhammadiyeva S.M., Kengesbaeva M.S., Matchanov S.X., Usmonova S.S., Nurmuxamedova N.S. AKSIAL SPONDILOARTRITDA OSTEOPENIK SINDROM KUZATILISHI VA UNING KASALLIK FAOLLIK DARAJASI BILAN BOG'LIQLIGI	13
Пулатова Ш.Б., Набиева Д.А., Мирзажонова Г.С., Туркашев С. АНКИЛОЗЛОВЧИ СПОНДИЛИТДА ЮРАК ВА АОРТА ШИКАСТЛАНИШИНИНГ ХУСУСИЯТЛАРИ	14
Rasulova N.R., Shiranova Sh.A. PODAGRA BILAN OG'RIGAN BEMORLARDA KO'Z ANOMALIYALARINING XUSUSIYATLARI	14
Сагатова Д.Р., Хидоятова М.Р., Абдуазизова Н.Х., СТЕРОИДНЫЙ ОСТЕОПОРОЗ У БОЛЬНЫХ РЕВМАТОИДНЫМ АРТРИТОМ	15
Sultanova M.X., Salimova N.D. Xidoyatova M.R. Sherbekova D.U. METABOLIK SINDROM VA UNING REVMATOID ARTRITNING KLINIK VA LABORATOR KO'RSATKICHLARI BILAN O'ZARO BOG'LIQLIGI	15
Sultanova M.X., Ziyayeva F.K., Salimova N.D. TIZIMLI QIZIL BO'RICHA BILAN OG'RIGAN BILAN BEMORLARDA YURAK-QON TOMIR ZARARLANISHI	16